

Ўлимда бандаларга роҳат бор



17:55 / 13.07.2017 6585

951. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан бир жаноза олиб ўтилди, шунда у зот:

«Роҳат топган ва ундан роҳат топилган», дедилар».

«Эй Аллоҳнинг Расули, роҳат топган ва ундан роҳат топилган нима?» дейишди. У зот:

«Мўмин банда (ўлса), дунёнинг қийинчиликларидан роҳат топади. Фожир банда (ўлса), ундан бандалар, элу юртлар, дову дарахтлар ва жонзотлар қутиладилар», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Охиратга нисбатан бу дунё мўмин учун қамоқдир. Шунинг учун ҳам мўмин банда ўлиши билан қамоқдан озодликка чиқади. Бу дунёнинг қийинчиликларидан, ғам-ғуссаларидан охиратнинг осонликларига ва бахт-саодатига эришади. Мўмин банда ўлими ила роҳатга етишади.

Фожир банда эса ўзининг фисқу фужури ила дунёдаги барча нарсаларга озор бериб юрган бўлади. У қўлидан келган ёмонликни қилади. Агар фаразан, ҳеч кимга бевосита ёмонлик қилмаган бўлса ҳам унинг фисқу фужури касофатидан инсонларга, элу юртга, наботот ва ҳайвонот оламига ҳам зарар етиб турган бўлади. Шунинг учун фосиқнинг ўлими туфайли мазкур нарсаларнинг ҳаммаси ундан ва унинг касофатидан қутулиб, роҳат қиладилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)